

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 17 май сешанба № 21 (748)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Фахрия

Биз йигирма ёшдамиз!

“ВАТАН бу кўнгулдир”, дейди бобомиз Алишер Навоий. Дарҳақиқат, кўнгулга тегишли барча тушунчалар ватанга ҳам тегишлидир. “Онамни севаман” ёки “Она Ватанни севаман” дейишнинг аслида маънавий ўзаги бирдир. Бу ўзақ муҳаббатдир. Ватан фалсафаси — кўнгул фалсафаси даражасига кўтарилгандагина биз баралла “Ватандин ўзага ёр ўлмас...” деб айта оламиз.

Ватан бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз ва эртанимиз. Ватан — айни пайтда илоҳий тушунча ҳамдир. Илоҳиёт бизга инсон тўрт унсурдан — ҳаво, тупроқ, олов ва сувдан яратилган, деб сабоқ беради. Шунинг учун биз мана шу тўрт унсурга каттиқ болганамиз. Бу унсурларни ҳар томонлама ўрганиб, Менделеев жадвалидаги барча моддаларни топдик ва ўзимизнинг ақлий салоҳиятимиз сабабли оламшумул кашфиётлар ва ихтиролар қилдик, тараққиётни бугунги даражага олиб келдик.



Адлия вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан

“Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман” —

мавзуида байрам тадбири ўтказилди



МАЪЛУМКИ, Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бир неча йirik лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда. “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Ёш ҳуқуқшунослар”, “Балли ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танловлари ана шулар жумласидандир.

Этиборли томони, мазкур тадбирлар туфайли шу бугунгача 100 нафарга яқин ҳуқуқ билимдонлари аниқланди ва улар адлия идоралари томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ушунинг жорий йилнинг февраль ойида бошлаган “Балли ҳуқуқшунослар — 2011” республика кўрик-танловида иштирок этган ТДЮИ, УЭМУ, НамДУ, ЖИДУ жамоалари орасидан тўрт нафар ба-

калавр ва магистратура йўналиши бўйича битирувчилар танлаб олинди. Адлия идораларига ишга қабул қилиниши учун захирага олинганлиги ҳам истеъдодларга бўлган эътибордан далolatдир. Пойтахтимиздаги мухташам “Туркистон” саройида бўлиб ўтган тадбирда барча лойиҳаларда голиб бўлган жамоалар ўзларининг чиқишларини яна бир бор намойиш этишди.

Тадбирда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги давомида эришилган ютуқлар ва амалга оширилган турли соҳадаги ислохотлар эътироф этилиб, “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан” госяси илгари сурилди. Ёшларнинг мустақил фикр билдириш қобилияти юқорилиги, Ватанга бўлган садоқати ошиб бораётганлиги уларнинг чиқишлари ва фикрларида намойиш бўлди.

Тадбир давомида ТДЮИ, УЭМУ, ЖИДУ талабалари томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш этилди.

Адлия вазирлигининг биринчи лойиҳаларидан бўлган “Ҳуқуқ билимдонлари — 2011” беллашувига янги кашфиёт сифатида тан олинган Сирдарё вилояти Янгигер шаҳридаги академик лицей талабалари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар иштирокчилар ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Яқунда Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ҳар бир иштирокчига эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар тақдим этилди. Вилоят ҳудудларида ҳам худди шундай байрам тадбирларини ташкил этиш режалаштирилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Миннатдорчилик

Жамоатчилик яқиндан таништирилди

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Қўшма мажлис аъзоларининг фикр-мулоҳазалари акс этган “Демократик тамойиллар ҳаётлиги таъминланади” сарлавҳали давра суҳбати “Инсон ва қонун” газетасининг жорий йил 12 апрель сонидан чоп этилди.

Ушбу давра суҳбатини уюштиришдан мақсад Президентимизнинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурган қонунчилик ташаббусларини, хусусан, ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилиги принципларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда ўзига хос нуфузга эга бўлган газетанинг мазкур кенг қўламли чиқишимиз фуқароларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларимиз билан яқиндан танишишларига имкон яратганидан мамнундир.

Бошқаруви органлари фаолиятининг очқилиги принципларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда ўзига хос нуфузга эга бўлган газетанинг мазкур кенг қўламли чиқишимиз фуқароларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларимиз билан яқиндан танишишларига имкон яратганидан мамнундир.

Абдурашид ЖўРАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

22 май — Халқаро биохилма-хиллик куни

Атроф-муҳит муҳофазаси

ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҲАМ БОҒЛИҚ

АТРОФ-МУҲИТ инсон ҳаётининг, соғлигининг ва фаолиятининг биологик асоси бўлиб, унга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабат талаб этилади. Булар ўз навбатида жамият аъзоларининг экологик онг ва маданияти қай даражада экани билан ҳамбарчас боғлиқ.

“ЭКОЛОГИК онг ва маданият” тушунчаси уч таркибий қисмдан ташкил топади, дейиш мумкин: биринчиси, экологик билим, яъни инсоннинг табиат тўғрисидаги, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, табиат билан боғлиқ қарашлар ҳамда урф-одатлар тўғрисидаги тасаввур ва кўникмалар йиғиндиси; иккинчиси, экологияга бўлган муносабат, яъни ҳозирги кундаги экологик муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмаган, табиий муҳитнинг ёмонлашувига қарши бўлган ва уни бартараф этиш йўллари ҳамда чораларини топишга тайёрлик; учин-

чиси, экологик ҳатти-ҳаракат, яъни ҳар кунги экологик ҳулқ-атвор. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда 22 та бевосита, 50 дан зиёд билвосита экологик йўналишдаги қонунлар ва 4000 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунларнинг асосий мақсади атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, экологик илм-фанни ривожлантириш, мавзуга оид билимларни кенг тарғиб қилиш, табиий тизимларни, уларнинг биологик ранг-баранглигини ҳамда

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Жамоатчилик нazorати

фуқаролик жамияти институтлари ривожининг янги босқичи

БУГУНГИ норматив-ҳуқуқий атамалар базаси шунинг кўрсатишича, мамлакатнинг 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик нazorатини амалга ошириш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Назорат функцияси, айниқса, касба уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятлари доирасида жуда аниқ намоён бўлади ҳамда қонунчилик меъёриларида ҳам маълум маънода тартибга солинган.

ЖУМЛАДАН, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, унинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида”ги, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунларнинг моддалари жамоатчилик нazorати фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Шунга қарамадан, Ўзбекистон Республикасининг соҳага дахлдор қонунчилигида жамоатчилик нazorатига фақатгина тартибга солиш тарзида ёндашилиб, унинг амал қилиш усул ва шакллари ҳамда бошқа таркибий қисмлари меъёрий-ҳуқуқий кўринишда ўз ифодасини топмаган. Бу эса “Жамоатчилик нazorати тўғрисида”ги Қонунни яратиш заруриятини тақозо қилади.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”, деб таъкидлангани баробарида жамоатчилик нazorати фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси эканлигига эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институтлари давлат бошқаруви органлари устидан бевосита жамоатчилик нazorатини юритиши лозимлигини бугунги давр талаб этмоқда. Бунга қонуний асос яратилса, давлат бошқаруви органлари билан ушбу институтларнинг ҳамкорлиги мустақамланади, шунингдек, фаолият доираси кенгайди, масалаларга аниқлик киритилиши ва ошқоралик туфайли ноконуний ҳатти-ҳаракатларнинг йўли тўсилади, натижада тараққиёт тезлашади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Ф-3562-сонли Фармойиши асосида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, унга кўра, “Жамоатчилик нazorати тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш бўйича 23 кишидан иборат эксперт гуруҳи ташкил этилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг масъул котиби профессор М.Юлдашев раҳбарлигида ташкил этилган эксперт гуруҳи таркибидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенатнинг аъзолари, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар тизими мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари ва юридик олий ўқув юрталарининг етакчи мутахассис олимлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бор. Шу билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзолари ҳам ушбу Қонун лойиҳаси бўйича ўзларига ташкил этилган ишчи гуруҳлари тамонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни эксперт гуруҳига тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Жамоатчилик нazorати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг давлат билан ўзаро алоқаларига доир муносабатларини яна ҳам аниқ ва равшан ифода-лаб беради. Бу бир томондан фуқароларнинг давлат ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоатчилик нazorатини амалга оширишга шароит яратса, иккинчи томондан давлат органлари фаолияти соҳасига асосиз аралашувлар ва манфаатлар қарама-қаршичилигининг олдини олади. Қонун давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган инсон ва жамиятнинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига доир қарорларнинг аҳамиятлик ва зарурийлик даражасини ўрнинчи, ҳокимиятнинг эса очқ ва масъулиятли бўлишини таъминлайди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан давлат ва жамият муносабатларини тартибга солиб турувчи бугун амал қилаётган қонунчилик меъёриларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, жамиятни модернизациялашга йўналтирилган янги қонунлар қабул қилиниши ва шу орқали фуқаролик жамияти институтлари фаолият доирасини кенгайтириш ҳамда унинг давлатга таъсир этишининг норматив-ҳуқуқий базасини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг ҳам жамиятга таъсир доирасини реаллаштириш ва ихчамлаштириш имкониятини беради.

Бизнингча, жамоатчилик нazorатини асосан фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари амалга оширса-да, бундай ҳуқуқ кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоатчилик нazorати кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича социологик сўровномалар ва кузатувлардан, шунингдек, нazorатнинг муайян харажатлар билан боғлиқ турларидан иборат бўлиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда уни амалга ошириш қисман давлат ҳисобидан ва қисман хомийлар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

Фуқаролик жамияти институтлари бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан ёндашадиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўйбга чиқаришда амалий ишлари билан ёрдам беришга шай ташкилотлар мажмуаси сифатида жамоатчилик нazorатини амалга оширишда ишончли ҳамкор бўла олади. Бу эса, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожининг янги босқичини бошлаб беради ва миллий давлатчиликнинг тараққиётида тарихий бурилиш ясади. Бу фуқароларимизда Ватан равақи, юрт тинчлиги ва фаровонлигига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради ҳамда уларнинг ижтимоий фаолиятини оширади. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг дунёнинг энг тараққий этган илгор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига салмоқли хисса қўлади.

Кодиржон ОДИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ватандошларимизнинг номлари дунё тарихига олтин харфлар билан ёзилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Соҳибқирон Амир Темур, Улугбек, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Бобур каби ватандошларимизни ким билмайди, дейсиз...

Ватан тушунчасини илмий тарзда кимёғлар шундай аниқлашди — инсон туғилган жойига тегишли сув хусусиятларини дунёнинг қай бурчида яшаса-да, бир умр олиб юраркан. Инсон танасидаги сув хос-

ниҳоят мустақиллигимиз асосини Президентимиз Ислам Каримовнинг иродаси ва қатъияти билан 1991 йилдан ўз мустақиллигимизни эълон қилдик. Демак, мустақил давлат, ҳур миллат бўлиб дунёга тик ва дадил қараётганимизга 20 йил тўлди. Демак, шу маънода "Биз 20 ёшдамиз" дейишга ҳақлимиз.

"Мустақиллик — бу ҳуқуқ демакдир", Президент Ислам Каримовнинг ўз вақтида айтган ушбу даъваткор сўзи ҳамон қалбимизда жаранглаб турибди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, ҳуқуқий давлатчиликка асос солинди. Ҳуқуқий дав-

латчиликнинг асосини фуқаролик жамияти ташкил этади. Фуқаролик жамияти эса ҳуқуқий муносабатлардан ташкил топади. Ҳуқуқий муносабатлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро ўзвий ривожланиши учун жуда муҳим. Шунинг учун ҳуқуқий тарғибот дастлабки йилларидан қўллаётганимиз раҳбари И.Каримов: "... аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлан-тирмоқ, аҳолини ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, таниши ва амалиётда қўллаши учун ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг йўлга қўймоқ айна муддаодир" дея қайта-қайта уқтириб келиши ҳамон давр талаби бўлиб турибди.

Илк бор тарғиботни Президентимизнинг ўзлари Олий Мажлисда туриб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган тарихий кундан бошлаб берган эдилар. Юртбошимиз нутқини сукут билан эшитган халқ вакиллари "асрий жимликни" бузишга ўларидан куч топпай турганида, Президентимиз Ислам Каримов баланд овозда

андазаларига мос технология, деҳқончиликда илмий асосланган омиллар юзага келди. Дунёда ўз ўрнини топишга интилган Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлиб, ўз сўзига, ўз давлатчилигига, ўз тамойиллари ва қадриятларига эга давлат сифатида намоён бўла бошлади.

Президентимиз Ислам Каримов шахс ва жамият муносабатида ўзгариш бўлмай туриб, истиқболли келажакни белгилаш қийин кечинини мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ тўғри аниқлаб, "Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир" шioriга ўз нутқларида эътиборимизни доимо

бир қатор ишлар жонланади. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги нутқидан ўзбек давлатчилиги ўзининг 20 йиллик тарихида мазмунан ва шаклан қандай демократик йўналишга эга бўлганлиги ва яна нималарни амалга оширишимиз шартлигини устувор вазифа қилиб белгилаб берди.

Ҳозир озод ва обод ўлкамизда баҳор, кўнглида баҳор, шаҳар-қўшлоқларимиз кўр-кўра баҳор! "Биз йигирма ёшдамиз" — дея қувонч билан хайқирган кекса отахонга ҳеч ким ажабланмайди. Бешиқдаги гўдак ҳам "Биз йигирма ёшдамиз!" дейишга ҳақли! Бу ҳуқуқни ҳаммамизга мустақиллик берди, унинг асосини, халқ ва миллат раҳнамоси, Президент берди. Барча жаб-ҳалларда Ватанимиз мустақиллиги байрамига қизгин тайёр-гарлик қўрилмоқда. Бизни гурур ва шижоат улкан зафарларга чорламоқда. Ҳаммамизнинг

Лицензия ва маҳсулот

Ўроқда йўқ, мошоқда йўқ — хирмонда ҳозир

бўлган айрим кимсаларнинг тайёр маҳсулотга эга чиқишига чек қўйилмоқда

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР фонограмма маҳсулотларини сотиб олишда, унинг сохта ёки ҳақиқий эканлигига ҳар доим ҳам эътибор беришар-майди. Бу ҳолат, албатта, у мусиқий ёки кино асар бўладими, ўғринча нуска кўчириб сотётган кимсаларга жуда қўл келади. Уларнинг фаолияти, бир томондан, белгиланган тартибда давлат рўйхатида ўтиб, солиқларни тўлайдиган тадбиркорларга зиён етказса, иккинчи томондан, муаллифлик ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига олиб келади.

ВИЛОЯТИМИЗДА бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, борасида Давлат солиқ идоралари ҳодимлари қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги "Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудий Давлат солиқ идоралари томонидан 20 та назорат тадбири ўтказилди. Унга қўра, ноқонуний фаолият юритаётганлиги сабабли 18 нафар жисмоний шахсдан 2284,0 та, яъни 4624,0 минг сўмлик аудио, видео кассеталар ва лазер дисклар ашёвий далил сифатида вақтинча олиб қўйилди. 7 нафар шахсга нисбатан 349,1 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Қолган 11 та ҳолатдаги ҳужжатлар ДСИнинг маъмурий амалиёт кассидаси суд органларига юбориш-лик учун тайёрланмоқда. Шунингдек, 3 нафар шахснинг гастроль-концерт фаолияти билан ноқонуний шуғулланиб юрганлиги аниқланди.

Қарорга биноан 2011 йил 1 июлдан бошлаб гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олувчи юридик ва жисмоний шахслар "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси томонидан белгиланган рейтинг гуруҳига қўра, табақалаштирилган миқдорларда давлат бож тўлайдилар ҳамда бюджет солиқлари ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этиладилар. Фаолиятини бошлаётган ижодий жамоалар ва ижрочилар томонидан гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда улар томонидан бож давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб биринчи йилда бошлангич ставка бўйича тўланади.

Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тўғрисидаги аризалар қўриб чиқилганлиги учун йигирма сўмлик миқдорда "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси мўлқатвий бўлимларининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади, лицензия беришганлиги учун давлат бож тўлиқ миқдорда "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси уставига назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамаъатмасига ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда берилган

лицензиясиз гастроль-концерт фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Концертлар ва томоша тадбирларини ташкил этиш юридик шахслар томонидан "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси берадиган бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси томонидан белгиланади. Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси берилган учун вилоят марказларида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорда, бошқа аҳоли пунктларида энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорда йигим ундирилади.

Йигим маблағлари "Ўзбекинав" эстрада бирлашмасига тушади ва улардан бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш билан боғлиқ харажатларни қоплашда фойдаланилади.

Фаолиятни лицензиясиз ва гастроль-концерт гувоҳномасисиз амалга оширган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жазо чоралари қўлланилади.

Таъқидлаш жоизки, асосий ма-шаққат қоний фаолият олиб бераётган тадбиркорнинг лицензияланган маҳсулотни яратиш жараёнида, Чунки лицензияланган маҳсулот тайёр ҳолга келгунга қадар бир неча босқичдан ўтади. Дастлаб ижрочи ёки муаллиф билан шартнома тузилиб, ундан асарни кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқи олинади. Шартномада сотилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг маълум фоизи муаллифларга берилиши кўрсатилади. Бу ишни амалга ошириш учун қанча вақт, қанча меҳнат ва яна қанча сарф-харажат кетади. Бироқ, текинга ўрганган қаллоблар тайёр маҳсулотнинг бир донасини сотиб олишда-ю, ўғринча тарзда ундан миллион-миллион сўмлик даромад олишади. Ташвишланарлиси, ҳали ишлаб чиқарувчининг маҳсулотни сотилмай туриб, ҳамма жойини унинг "нусхалари" эгаллаб олади. Арзон нархларда чиқарилган маҳсулотлар эса харидорларни бе-фарқ қолдирмайди, албатта.

Аммо ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазо муқаррар эканлигини унутмаслик лозим.

Қудрат ИГАМБЕРГАНОВ, Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Фахрия

Биз йигирма ёшдамиз!

Публицистика

саларини ўрганиб, инсоннинг ватани қаер эканлигини аниқласа бўларкан.

Биз бир умр юрагимизда Ватан сурурини олиб юрамиз. Унда ота-онамиз, ёримиз, фарзандларимиз, яқинларимиз, дўстларимиз, боғимиз, даламиз, тоғларимиз, саҳроларимиз жилваси бизга соғинч ва тароват бериб туради.

Бу ўта қадим тарихи турфа воқеа-ходисаларга бой ҳудуд Ўзбекистон дея аталур. Мустақил Ўзбекистон давлатининг дунё сиёсий харитасида алоҳида ранг билан берилганлигига мана 20 йил тўлди. Ёш мустақил давлатимиз 20 ёшда. — Биз йигирма ёшдамиз.

Биз рамзий ва чин маънода "Биз йигирма ёшдамиз" демоқдамиз. Аслида, дунё билдики, ўзбек давлатчилиги тарихи қадим-қадимдан бориб тақалади. Не-не талотум, қиргин-барот ва тўполонларга дош бериб, омон қолган халқимиз. Жумладан, сўнгги истибод даври зулмидан ҳам ўзимизни асраб қолдик. Халқимиз 130 йил мустақил тузум таъбиби остида яшади ва

латчиликнинг асосини фуқаролик жамияти ташкил этади. Фуқаролик жамияти эса ҳуқуқий муносабатлардан ташкил топади. Ҳуқуқий муносабатлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро ўзвий ривожланиши учун жуда муҳим. Шунинг учун ҳуқуқий тарғибот дастлабки йилларидан қўллаётганимиз раҳбари И.Каримов: "... аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлан-тирмоқ, аҳолини ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, таниши ва амалиётда қўллаши учун ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг йўлга қўймоқ айна муддаодир" дея қайта-қайта уқтириб келиши ҳамон давр талаби бўлиб турибди.

Илк бор тарғиботни Президентимизнинг ўзлари Олий Мажлисда туриб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган тарихий кундан бошлаб берган эдилар. Юртбошимиз нутқини сукут билан эшитган халқ вакиллари "асрий жимликни" бузишга ўларидан куч топпай турганида, Президентимиз Ислам Каримов баланд овозда



Мана 20 йилдирки, харақатимизда, баракат бор... Бу йилнинг давомида баҳарилган оламшумул ишларимизни айтиб адо қилиш қийин. Бу йилда давомда мамлакатимиз тўлиқ модернизация қилинди. Ривожланишимиз беш тамойили ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Саноатда жаҳон

каратиб турди. Бу ҳикматли гапнинг мазмунидан Ўзбекистон Конституцияси, байроғи, тимсоллари, шахс ва жамият ахлоқи, 500 дан ортиқ қабул қилинган қонунлар мазмунини муҷассам эканлигини ўйласак, тасаввуримизда замонавий қомил инсонни тарбиялашдек муҳим йўналишда қилинган

дилда, тилида, йиғинида "Ватан учун яшайлик" деган широр. Бундан ортиқ ёруғ ифода, бундан ортиқ бахт-иқбол бўлиши мумкинми?

Шуқур СОДИҚ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Хорижий инвестиция

Мустаҳкам ишонч самарали фаолият юритишга рағбатлантиради

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2002 йил 11 июндаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги Қўшма чора-тадбирларни тўғрисида"ги Фармонига қўра, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўста жағирмасининг миқдори қамийда 75 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда белгиланган бошқа шартларга жавоб берадиган корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудига янги барпо этиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органларида давлат рўйхатига олинган лозим бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деб ҳисобланган.

АЙНИ ПАЙТДА Қорақалпоғистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги 45 та корхона давлат рўйхатидан ўтказилган. Ҳозирги кунда улардан 36 таси ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан бу турдаги корхоналарга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, муаммоларини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш бўйича доимий равишда мониторинглар

ўтказиб келинмоқда. Ўтган 2010 йилда аниқланган камчиликлар юзасидан мутасадди идораларга 8 та тақдимнома киритилиб, 19 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди ва 4 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар раҳбарлари ва инвесторлардан келиб тушган 8 та мурожаат мазмунан қўриб чиқилди, корхоналарга етказилган 126.566.784 сўм

моддий зарар суд орқали инвесторларга ундириб берилди.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли идораларга тақдимнома, огоҳнома ва курсатдор шахс расман огоҳлантирилди. Шунингдек, қонунбузилишга йўл қўйган 15 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилди.

Жумладан, "MSX AGROSNAB" МЧЖ Қорақалпоғистон-Украина қўшма корхонаси бошлиғи К.Иниятнинг курсатилган ҳизматлар учун шартнома шартла-

ри баҳарилмаганлиги тўғрисида 2010 йилнинг ноябрь ойида қилган мурожаати ўрганилди. Аниқланганча, 2009 йил 4 февраль кунини "MSX AGROSNAB" МЧЖ Қорақалпоғистон-Украина қўшма корхонаси ва "Янги-обод Само сервис СИЧК" корхонаси ўртасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага асосан мажмур қўшма корхона "Янгиобод Само сервис СИЧК" корхонасига 70.000.000 сўмлик шартбат етказиб берган. Аммо шу кунга қадар "Янгиобод Само сервис СИЧК" корхонаси "MSX AGROSNAB" МЧЖ Қорақалпоғистон-Украина қўшма корхонаси олдидан қарзини тўламаган.

Ушбу ҳолат бўйича Наманган вилояти ҳўжалик судига 2010 йил 22 ноябрда 70.000.000 сўм асосий қарз ҳамда 35.000.000 сўм устам ундириш ҳақида даъво ариза киритилиб, суднинг 2011 йил 17 январда ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бундай саъй-ҳаракатлар инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашга, самарали фаолият юритишга рағбатлантиради.

Қазбек АРТИКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи

Адлия ёрдам берди — масала ҳал бўлди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

АНИҚ мисоллар билан фикримизни давом эттирсак. Изобоскан туманида яшовчи фуқаро Г.Қурбоновнинг тумандаги "Пойтуғ" пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси Андижон вилояти адлия бошқармаси ҳодимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, жамиятда фаррош вазифасида ишлаган фуқаро иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраб, ногирон бўлиб қолган. Содир бўлган ҳодиса юзасидан тегишли тартибда далолатнома тузилиб, фуқарога 2-гурӯх ногиронлиги белгиланган. Бироқ, Г.Қурбоновга жамият томонидан тоvon пуллари ўз вақтида тўланмаган ҳамда унинг тиббий харажатлари тўлиқ

қопланмаган. Ўрганиш давомида "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддасига асосан, иш берувчи томонидан фуқарога 1.142.664 сўм тоvon пули тўлаш, протез қўйдириш ва бепул тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиб бориш тўғрисида ҳужжат расмийлаштирилди ҳамда алоҳида тиббиёт ходими бириктирилди.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вазирлик бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тегишли идораларга 372 та тақдимнома киритилган, шундан 327 та тақдимнома ижроси тўлиқ таъминланган. Биргина, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 16-сонли ўрта таълим мактабига ўқитувчиларнинг иш ҳақлари,

нафақа ҳамда таътил пулларидан 6 миллион 388 минг сўмдан ортиқ қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Адлия бошқармаси томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлимига киритилган тақдимномага асосан, қарздорлик тўлиқ бартараф этилиши таъминланди.

Умуман, тақдимномалар натижасида 466 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Суд идораларига 983 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 785 та даъво ариза судлар томонидан қаноатлантирилган. Жумладан, Ўзбекистон Пхатчилик илмий тадқиқот институтининг Навоий филиали ишчиши жорий йилнинг 16 февраль кунини адлия бошқармасига мурожаат қилиб, иш ҳақини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраган эди. Маъмур ҳолат атрофлича ўрганилганда, қарийб 14 миллион сўмлик иш ҳақидан қарздорлик

борлиги аниқланди. Адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига иш ҳақларини ундириш юзасидан даъво ариза киритилди, маъмур даъво суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Тоҳир САЙДОБОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Адлия аралашгач...



Тадбиркор талаби қаноатлантирилди

Пайсалга солинган мурожаат оқибати бежавоб қолмади

ПСКЕНТ туманида фаолият кўрсатаётган "Нуризам-Сервис" хусусий корхонасининг иш юритувчиси Ф.Баратов давлатлиги томонидан тадбиркорларга курсатилган эътибордан руҳланиб, собиқ ширкат ҳўжалигининг бўш ётган оғир ва устоқонаси ўрнида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга бел бошлади. Бу ерни ажратиб бериш юзасидан туман

ҳўкимлигига ёзган аризасига жавоб ололмаётганлиги боис Тошкент вилояти адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 январдаги "Тошкент вилояти ҳудудига юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасини ажратиш ва улардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида"ги 16-сонли ва 2009 йил 18 февралдаги "Тошкент вилояти ҳудудига юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасини ажратиш мақсадида ташкил этилган маҳсус комиссия қарорига асосан амалга оширилиши белгиланган.

Шунга қўра, вилоят ҳўкимининг 2010 йил 7 июндаги "Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга ер қўнунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида Ер участкаларини бериш комиссиясининг Регламенти тўғрисида"ги 159-сонли қарори қабул қилиниб, унга қўра, туман (шаҳар)

ҳўкимликлари қошидаги комиссиялар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти учун келиб тушган ариза ва мурожаатлар бир ҳафта муддат ичида қўриб чиқилиши ва натижаси бўйича ер ажратиш мақсада мувофиқ деб топилганда ҳужжатларни вилоят комиссиясига қўриб чиқиш учун тақдим этиш ёки рад жавоби бериб, бу ҳақда муаллифга маълум қилиш лозимлиги белгиланган.

Бироқ, Пскент тумани ҳўкимлиги қошидаги доимий ишловчи юридик ва жисмоний шахсларга ер танлаш ва ажратиш комиссияси томонидан ушбу муддатга амал қилинмасдан тадбиркорнинг мурожаатига жавоб берилмаган.

Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастури қабул қилиниб, унга қўра, тадбиркорларга қўнуний шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишига ҳар қандай қўринишдаги тў-

сиқлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини эътиборсиз қолдириш, уларда қўрсатилган муаммоларни вақолат доирасида қўнуний халқ атамаслик давлат ташкилотлари, корхона, муассаса раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракат-белгиланган жавобгарлики келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкинлиги ва бундай қонунбузилишларга чек қўйиш лозимлиги белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан Пскент тумани ҳўкимини номига тақдимнома киритилди.

Унга асосан, тадбиркорнинг мурожаати қўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда қонунбузилишга йўл қўйган туман ҳўкимлиги ҳуқуқшуноси Б.Ботирова нисбатан "ҳайфсан" интизомий чораси қўлланилди.

Сардор КАРИМОВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Мавзуга қайтиб

ГАЗЕТАНИНГ жорий йил 12 апрель сонидида чоп этилган "Гени ўзгартирилган маҳсулотлар инсон соғлигига хавф солиди...ми?" сарлавҳали суҳбат кенг жамоатчилик ўртасида қизиқтириш уйғотди. Буни таҳририятга бўлаётган қўнғирроқлар, келайотган мактубларда кўриш мумкин. Ҳуш, генетик ўзгартирилган маҳсулотлар инсон саломатлигига таҳдид солиши мумкин экан, бу хавфнинг олдини олиш учун давлатимизда қандай ишлар амалга ошириш керак?

— Жуманазар Тоштемирович, газетамизда чоп этилган генетик ўзгартирилган маҳсулотлар мавзусидаги суҳбат турли даражада баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сиз ҳуқуқшунос олим сифатида ушбу долзарб масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига аниқлиқ киритишга ёрдам берсангиз? — Аввало, шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, бу масаланинг ҳаётий, фалсафий табиати ўта нозик. Табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши нафақат инсон, балки барча тирик организм ҳаётий унун ўта хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, турли кимёвий моддаларни қўллаш ёки радиация таъсирида сув, ер ва атмосфера ҳавосининг таркибий бузилиши тирик организм генетика-

ниши ва қай тарзда ҳаёт кечиришига боғлиқ экан.

Бу эса ўз вақтида номлари кўрсатилган экологик қўнунларга ва тиббий қўнунларга боғлиқ. Ген инженерлиги фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги (1996 йил), "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги (1992 йил), "Аҳолини сил касаллигидан сақлаш тўғрисида"ги (2001 йил), "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги (2002 йил) ва бошқа бир қатор қўнунлар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

— Хорижий мамлакатларда ген инженерлиги фаолияти билан боғлиқ қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

— Маълумки, илмий-тадқиқотлар, ихтиро ва кашфиётлар инсон турмушини яхшилаштириш, унинг турмуш тарзини яхшилаш билан бирга унинг келажига катта хавф тугдириб, кутилмаган кулфатлар келтириши ҳам мумкин.

Масалан, А.Энштейн ихтиролари натижасида ясалган атом

хавфсизлик тўғрисида"ги (2001 йил), Қозғоғистоннинг "Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва унинг хавфсизлиги тўғрисида"ги (2004 йил) қўнунлари ҳам ушбу соҳа бугунги кунда кўпгина давлатлар ҳуқуқшуносларининг диққат марказида турганидан даллат беради.

— Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларида генетик ўзгартирилган маҳсулотлар қўлланилиши назорат қилинадими ва у қай йўсинда амалга оширилади?

— Ўзбекистон Республикасининг "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги (1996 йил) Қўнунининг 4-моддасига асосан, Республика Давлат патент идораси селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, чорвачилик, наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиши.

Умуман олганда, ген инженерлиги соҳаси билан боғлиқ муносабатларни лицензиялаш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги (2000 йил) Қўнунининг 4-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар амалга оширади.

Шунингдек, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида"ги Қўнунининг (1993 йил) 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Стандартлаштириш, Метрология ва сертифицилаштириш агентлиги — "ЎзСтандарт" Ўзбекистон Республикасининг миллий сертифицилаштириш органидир. У барча масалаларни ҳал қилишда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда қарор қабул қилади.

Ген инженерлиги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни назорат қилишда "Стандартлаштириш тўғрисида"ги (1993 йил) Қўнун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қўнунининг 8-моддасига кўра, стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қўнун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини "ЎзСтандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек, бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадирлар.

Шунингдек, Қўнунда кўрсатилган ҳолатларда Давлат божхона қўмитаси ҳам баъзи гени ўзгартирилган маҳсулотларни ноқўнунли олиб чиқиш ва мамлакат ҳудудига олиб кириш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилишга ваколатлидир.

— Айрим Европа мамлакатлари бозорига генетик ўзгартирилган маҳсулотларни олиб кириш тақиқланган, дейишди. Бунинг сабаби нимада?

— Умуман олганда, Европа мамлакатлари бозорига гени ўзгартирилган маҳсулотларни олиб кириш қатъиян тақиқланмаган. Айрим давлатларда бундай маҳсулотларни олиб кириш ва чиқаришда жиддий талаблар қўйилади.

Бир қатор ривожланган мамлакатлар, жумладан, Франция 2008 йилдан, Германия 2009 йилдан, Болгария эса 2010 йил 18 мартдан гени ўзгартирилган маҳсулотларни экишни тақиқловчи қўнунлар қабул қилди.

2010 йил 13 июлда ушбу масалани Европа Иттифоқи комиссияси кўриб чиқиб, айрим тоифадаги маҳсулотлар етарлича илмий асосланмаганлиги сабабли уни ҳудудда тақиқлаб қўйиш ҳақида тақлиф берди.

Шу аснода, Европа, Хитой, Ҳиндистон ва Япония бундай маҳсулотларни ўз ҳудудларига олиб кирилишини тақиқлади.

Алоҳида таъкид шуки, ҳозирги кундаги демографик ҳолат ва инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсоди айрим мамлакатлари бундай маҳсулотлардан фойдаланишга ундамоқда. Масалан АҚШ, Аргентина, Эрон, Австрали, Ироқ, Мексика, Туркия, Уругвай ва Афғонистон мамлакатлари шулар жумласидандир.

Яна бир хусусиятли жиҳат шуки, АҚШ, Латин Америкаси ва Канада давлатлари қўнунчилигида гени ўзгартирилган ўсимликлардан олинган маҳсулотлар ва озиқ-овқатларга тегишли стандарт асосида мажбурий махсус белгилар қўйиб сотиш ҳамда махсус баҳолаш жараёнидан ўтказиш лозимлиги аниқ кўрсатилган.

Қисқаси, гени ўзгартирилган маҳсулотларни истеъмол қилишда барибир эҳтиёткорлик лозим. Чунки табиий тузилган инсон боласи ёки нормал табиий муҳитда яшаётган инсон организми уларга етарлича мослашмаган. Ушбу маҳсулот турларини истеъмол қилиш инсон организмидида биологик ҳолат бузилишига сабаб бўлиб, турли касалликларга ҳам чалиниши, иммунитетнинг пасайиши ҳолатлари кузатилиши мумкин.

— Мамлакатимизда бу борадаги қўнунчиликни таъминлаштириш ва янги қўнунлар қабул қилиш масаласида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Халқаро қўнунчиликнинг бу соҳадаги таъриби си шунинг кўрсатадики, мамлакатимиздаги миллий қўнунчилик тизими дунё андазалари талаби даражасидадир. Бу ҳақда биз юқорида алоҳида тўхталиб ўтдик. Лекин ҳаётнинг ривожланиши бир қатор ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда янги ҳаётнинг таъкиди таъкид этилади.

Бу жараён мавжуд амалдаги қўнунларга қўшимчалар киритиш ва янги қўнунлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Яқинда Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси, экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экологик ҳаракат фаоллари, мутахассислар ва танқидчи олимлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "ЎзСтандарт" вакиллари иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда ҳам мамлакатимизда мазкур йўналишга катта эътибор берилмаётгани ва юртимизда бирмунча ижобий ютуқлар қўлга киритилаётгани билан бир қаторда, ушбу соҳаларнинг қўнунчилик базасини яратиш вақти келганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Табиатнинг ўзаро мутаносиблигини сақлаш, яъни ҳар бир нарсанинг табиийлигини таъминлаш ва ундан ўз ҳолида фойдаланиш табиат билан инсон ўртасидаги муносабатни таъминлашга ёрдам беради. Бу эса айнан гени ўзгартирилган маҳсулотларга ҳам тегишлидир.

"Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА ҳамда ТДИО магистри Ақром ИСМАТУЛЛАЕВ тайёрлашди.

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

АЙНИ КУНЛАРДА "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида республикамиз бўйлаб ҳуқуқий саводхонлик ойлги тадбирлари давом этмоқда. Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳуқуқий саводхонлик ойлгини ўтказиш бўйича вилоят миқёсида тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан жойларда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг қўламли тарғибот ишлари олиб бориляпти.

ЯҚИНДА мазкур ҳуқуқий саводхонлик ойлги доирасида Қосон туманидаги нефть ва газ саноати касб-хунар коллежидида "Кучли ижтимоий сиёсат — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омилли" мавзусида семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, коллежнинг ўқитувчи ва талабалари иштирокида ўтказилган ушбу семинар-йиғилишда инсон ҳуқуқларини таъминлашда

ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти, юртимизда бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар хусусида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларидида ҳимоя қилинишида прокуратура, адлия ва суд идораларининг ўрни ҳақида батафсил сўз юритилди. Таъдбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шунингдек, ҳуқуқий саводхонлик ойлги доирасида Қашмаи туман ҳокимлиги ҳамда Қашмаи педагогика коллежидида тумандаги барча

мактаб ва коллежларнинг маънавият тарғиботи бўйича директор ўринбосарлари, ҳуқуқ фани ўқитувчилари ва талаба ёшлари иштирокида "Бола ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқларининг узвий қисми" ва "Диний экстремизм инсон ҳуқуқларига хавф солиди" мавзусида ўтказилган тадбирлар ҳам йиғилганларда катта қизиқтириш уйғотди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Атроф-муҳит муҳофазаси

Экологик онг ва маданиятни шакллантиришга ҳам боғлиқ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўзини ўзи тўғрилаш қобилиятини сақлаш ва қайта тиклаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий методларини жорий этиш, экологик хавфсизлиқни таъминлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, табиий муҳитни сақлашнинг механизмининг таъминлаштиришга қаратилди.

Асосий қўнунимизда ҳар бир фуқаронинг экология соҳасидаги уч асосий конституциявий мажбурияти мустақамланган. Булар: атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; мулкдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етказмаслик; ер, эроети бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланиш мажбуриятларидир. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қўнунда ҳар бир шахсининг ўз саломатлиги ва келажак авлодининг саломатлиги учун қўлай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф табиий муҳитнинг зарари таъсиридан муҳофаза қилиш, атроф табиий му-

ҳитнинг аҳоли ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш, экологик ҳуқуқбузарлик натижасида фуқаронинг соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқлари белгиланган.

Ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш уларнинг аҳамияти ҳамда зарурати фуқаролар онги ва шурида, кундалик ҳаётида ўз аксини топиши билан узвий боғлиқ.

Давлатимиз томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантиришга, аҳолининг улуқсиз экологик таълими, маданияти ва тарбияси тизимини тақомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Хусусан, "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури" Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури"нинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида тақдим қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрини белгиланган ҳамда оширишга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қўнунни қабул қилиш тўғрисидаги қўнунчилик ташаббуси бу борадаги жамоатчилик назоратининг кучайишига хизмат қилади, албатта.

Табиий муҳит ва экологик хавфсизлиқни таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмининг, экологик таълим ва тарбия, аҳолининг экологик маданиятини ошириш тизимини ривожлантириш ва тақомиллаштириш, бу борадаги билимларни мустақамлаш орқали келажак авлодларимизнинг экологик тоза муҳитда яшаш учун замин яратамиз.

Ўткир ХОЛИҚОВ, ТДИО магистри, Ирода САЛИМОВА, ТДИО талабаси

Эътибор

Эъзозлаш, ҳурмат кўрсатиш

ҳар биримизнинг улугвор бурчимиз

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги, адлия органлари ва муассасалари, жумладан, Республика юристлар мажлисини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик институти, Суд департаменти ҳамда ихтисослашган "Адолат" наشريётда Ичкичи ҳаҳон уруши фахрийлари, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган нуруний отахон ва онахонларга Хотира ва кадрлаш қуни муносабати

билан эҳтиром кўрсатилди. Таъдбирларда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёши улуг инсонларни ардоқлаш, уларга ҳамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Мустақиллик туфайли юртимизда инсон ва унинг манфаатлари, бахту саодати энг олий қадриятга айлан-

ди, — дейди меҳнат фахрийси Хамид ота Жалолов. — Бугун ҳаётимиз фаровон, юртимиз обод, файзли. Бунинг учун бир нафас шукрона айтаемиз. Мустақиллигимизга, ёруғ қўнларимизга кўз тегмасин. Таъдбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Адлия вазирлиги Фахрийлар кенгаши

Турмуш чорраҳалари

Келинни келганда кўр сепини ёйганда кўрми?

ЯҚИНДА қўшни маҳалладаги бир аёл тўй қилиб, қиз чикарди. Тўйга келган аёллар бўлажақ келинни кўриб:

— ҲАЛИ ёш эмасми қизингиз? — деб сўрашди онасидан.

— Раъно ёлғиз қизим. Тўй-томоша берай, деб ният қилганман. Ёшлиги қолди, 16 га тўлди, — деди қизнинг онаси.

Шу пайт дарвозадан қизнинг ҳоласи кўринди. Қиз ҳоласига пешовоз чиқиб, юз-кўзларидан ўпиб кўришар экан:

— Холаҳон, тўйимга ўттиз кўйлақлик мато келди, ўйга юртинг кўрсатаман! — деди қувониб...

Бу сўзларни эшитганлар афсус билан бош чайқашди: — Нафақат ёш, хали гўдак экан-ку, бу қиз дейишди, унинг жуссасини кўриб.

пою-селлар учун хали навиҳол қизини турмушга беришга ошиқайтган унинг онаси эмасми? Бу она қизини бирор марта шифкор кўригига олиб бориб, "Қизим она бўлишга тайёрми?" деб қизидимкин?

Турмушининг аччиқ-чучуқини кўрган она сифатида қизини ёнига олиб, ниҳо мажбуриятлари ва турмушининг оғир-енгилликлари ҳақида сўхбатлашганими? Албатта йўқ.

Бир кунлик тўй ўтади-ке-тади. Дабдаба-ю хашамлар ҳам унутилади. Зебу зийнатларнинг ҳам оҳори тўйи қилади. Тўйдан сўнг эрнинг иссиқ-совуғи, қайнонанинг "мактаб"и бошланади.

Яқинда қабулимизга бир аёл қизини етаклаб келди. Қизга қараб юрагингиз ачишади. Ранги бир ҳол. Ёши 17 га ё кирган, ё кирмаган. Қўлида сўтга тўймаган чакалоги тинмай йилғарди.

— Қизимни бироз вақтлироқ эрга берибман, — дейди

онаси қўзидаги ёшини артиб. — Турмушга тайёр эмас экан. Бу ҳам етмагандек қайнонаси ҳам "меҳрибон" чиқиб қолди. Қизимни касалланд қилди.

Ёлғиз оналик даврасида келишибди. Афсус, фарзанд хою-ҳавас қурбонига айланмаб ўтирибди. Фарзандларимизнинг бахтини, тақдирини уларнинг оила қуриш сари қўйган илк қадамлари белгиланди.

Бу қадамларни қўйишда зинҳор шошилмаслик, йиллар давомида тайёргарлик кўриш, етти ўнча бир кесиб, ёшларнинг бахти баркамол бўлишига хизмат қилади.

Зеро, биз ота-оналарнинг зиммасидаги бурч-вазифалар фарзандларимизнинг бахтли яшаш учун қаратилган бўлиши лозим.

Назира ЧОРИЕВА, Денов тумани ФХДБ бўлими мудир

Гени ўзгартирилган маҳсулот

ёхуд яна табиий мутаносиблик хусусида

ТДИО "Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи" кафедраси мудир Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ билан суҳбат



си, унинг ривожланиши ёки келажакда ирсиятига салбий таъсир кўрсатиши, кўплаб янги касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, АҚШнинг Янги Орлеан шаҳрида маълум вақтда ҳавонинг ифлосланиши аҳоли орасида бронхит астма касаллиги кўп тарқалишига олиб келган. Шунинг учун ҳам инсон биологик тур сифатида доим ташқи табиий ва ижтимоий муҳит омилларига мослашиб яшаш лозим. Инсон Ер юзидида 3 миллионга яқин биологик турлардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, кўп йиллик эволюцион тараққиёт давомида шаклланган ўзига хос "маданий экран" инсонни ёввойи табиат шароитларидан ажратиб қўйган. Зеро, таъкидлаш жоизки, инсон бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. У биологик ва социал мослашишга муҳтож ва биосоциал моҳиятга эгадир.

Демак, табиатга таъсир этиш натижасида экологик вазият бузилоқда. Бу эса ўз вақтида инсоннинг соғлигига, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ва бошқа тирик мавжудот генетикасига ҳам салбий таъсир этмоқда. Яна шунинг таъкидлаш жоизки, демографик ривожланиш, табиат қўнунларига қарши бориш охири-оқибат инсониятга озиқ-овқат билан таъминланишда ўзига хос муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу эса кейинги пайтларда фан оламида "ген инженерлиги" деб аталаётган алоҳида тадқиқот йўналиши ривожига туртки берди ва бугунги кунда бу соҳада дунё мамлакатлари кўплаб қўнунлар қабул қилмоқда.

— Мамлакатимизда генетик ўзгартирилган маҳсулотлар ва ген инженерлиги фаолияти билан боғлиқ қўнунчилик ҳолати қандай?

— Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, ген инженерлиги ҳолати билан боғлиқ қўнунчилик асосларида давлатимиз мустақилликка эришган жиддий эътибор берилга бошланди. Президентимиз ташаббуси билан бир қатор экологик қўнунлар қабул қилиндики, улар бевосита ген инженерлиги фаолиятини ҳам ҳуқуқий тартибга солишга ёрдам беради.

Халқаро андазаларга мос, мамлакатимизнинг экологик ва географик хусусиятларини инобатга олиб, ген инженерлиги фаолиятини ҳам ўзида ифода этадиган ушбу қўнунлар жумласига қуйидагиларни: "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (1992 йил), "Метрология тўғрисида"ги (1993 йил), "Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида"ги (1993 йил), "Наслчилик тўғрисида"ги (1995 йил), "Уруғчилик тўғрисида"ги (1996 йил), "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги (1997 йил), "Экологик экспертиза тўғрисида"ги (2000 йил) бир қатор қўнунларни ва Божхона кодексини киритиш мумкин.

Умуман олганда, ген инженерлиги ва унинг ривожланиш жараёни юридик нуқтаи назардан кўпроқ инсон саломатлигини таъминлаш ва уни ҳар томонлама соғлом муҳитда яшаш ҳолатини баркамоллаштириш, экологик соф озиқ-овқатлар билан таъминлаш, узоқ умр кўриш ҳамда яшаш муҳитини яхшилашни назарда тутайди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, инсон саломатлигининг 10 фоизи генетик омилларга, 5-10 фоизи экологик шароитга, яна шунча фоизи тиббий ҳолатга, 75-80 фоизи эса овқатла-

бомбаси, А.Нобель томонидан яратилган динамит ва бошқалар фикримизга далил бўла олади.

Бундай фан янгиликлари айнан ген инженерлиги соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда. Ген инженерлиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу борадаги қўнун ҳужжатлари кеча ёки бугун пайдо бўлмаганига ғувоҳ бўламиз. Масалан, 1883 йилда қабул қилинган "Санаят мулкни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Париж Конвенцияси, 1961 йил 2 декабрда Парижда қабул қилинган "Ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги халқаро Конвенция, "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги, UNEP (1992 йил 5 июнда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган) Конвенцияга 2000 йил 29 январда киритилган "Биологик хавфсизлик тўғрисида"ги Картахен Протоколи ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар мавжуд.

Юқорида ном зикр этилган халқаро конвенциялар асосида кўпгина мамлакатлар қатор қўнунлар қабул қилганлар.

Англиянинг "Чорвачилик ва селекция ютуғи тўғрисида"ги (1965 йил), АҚШнинг "Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (1970 йил), Германиянинг "Навларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (1968 йил), Болгариянинг "Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари тўғрисида"ги (1996 йил), Литваннинг "Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш ва уруғчилик тўғрисида"ги (1996 йил), Молдаваннинг "Ўсимлик навларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (1996 йил), Россия Федерациясининг "Ген инженерлиги соҳасидаги фаолиятини давлат томонидан тар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан фуқароларимизга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Замонавий, қулай ва шинам

янги ФХДЁ биноси ишга тушди

ЯҚИНДА Зангиота туманида ФХДЁ бўлими ва давлат нотариал идораси учун навабатдаги янги муҳташам бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Туман марказида жойлашган янги ФХДЁ биноси 2-қаватдан иборат бўлиб, барча қулай шарт-шароит мавжуд, замонавий техника жиҳозлари ҳамда офис мебеллари билан таъминланган.

ФХДЁ биносида янги оила қураётган ёшлар учун оила ҳақидаги тушунчаларини янада бойитиш, халқимизга хос бўлган анъаналар ва қадриятлар ҳамда соғлом турмуш тарзи, шунингдек, хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида мустаҳкам оила қуриш, соғлом болалар туғилиши ва тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тарғибот-ташвиқот ишлари учун алоҳида маслаҳат хоналари ташкил этилди.

Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва туман мутасадди идора ходимлари иштирок этган тантанали очилиш маросимида сузга чиққан туман фаоллари давлатимиз томонидан фуқароларга, айниқса, ёшларга кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Тождиддин УТЕПБЕРГЕНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Интернетдаги никоҳ

У бахт келтирадимиз?

НИКОҲ — муқаддас ришта. Унинг ўз қонун-қондалари мавжуд. Инсон ҳаётини бир-бирига боғлаб, умрбод яшаши айнан никоҳдан бошланади. Бир файласуф бу ҳақда тоғиб гапирган: "Никоҳдан ўтиш мажбурий эмас, лекин никоҳдан ўз ихтиёринг билан ўтганидан кейин унинг қонун-қондаларига бўйсуннишга мажбурсан". Ҳақиқатан ҳам никоҳ ўта масъулиятли ва шарафли вазифа. Бу борада шашма-шошарлик, бейўлов қилинган иш, ташланган қалтис қодим инсон ҳаётини ўчмас доғ қолдириши мумкин.



Мулоҳаза

Бу ҳолат миллатимиз, урф-одатларимиз, ақидаларимизга мутлақо ёт ва зид. Интернет орқали никоҳдан ўтишнинг ҳунук оқибатлари ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Булажақ турмуш ўртоғининг хулқи, унинг қандай тарбия олгани, дунёқарашини, муомаласини, ота-онаси, қавм-қариндошини, дўсти-биродарларини қим эканлигини билан қўйиб ўрмонга киргандай гап.

Айрим ёшлар хорижликлар билан интернет орқали танишиб, қонуний никоҳдан ўтишнинг ёмон томони йўқ деб ҳисоблайди. Албатта, ҳар ким ўз ҳаётини ўзи белгилайди. Унинг ҳаётига арала-

шишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ. Лекин интернет орқали тузилган никоҳнинг салбий томонлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Кўп ҳолларда хорижлик куёвлар интернет орқали никоҳдан ўтган умр йўлдошини ўз мамлакатига олиб бориб, сотиб юбормоқда.

Аждодларимиз никоҳга масъулият билан қарашган. Амр Темур бобонимиз айтганидек, етти авлоди, насл-насабини сўраб-суриштирган. Дунёга келган фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши, насл-насабини, авлод-аждоди билан ғурурланиб, улғайиши шарт. Интернет орқали турмуш қуришга шайланган ёшлар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўришга мақсадга мувофиқ бўларди.

Насира МАМАТКУЛОВА,
Самарқанд шаҳар никоҳ
уйи мудири,
Есаной ЭРГАШЕВА,
Нуробод тумани
ФХДЁ ходими

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
Сирғали туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида
Нукус шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахياتош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Андижон вилоятида
Андижон шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилоятида
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилоятида
Наманган шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилоятида
Пастдарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига ариза;
- 2. Паспорт нусخаси;
- 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
- 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
- 5. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишлаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
- 6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қандайдир иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2011 йил 16 июнь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.



"АСАКА" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)

2011 йил республикамизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида "ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ ЛОЙИҲАСИ" танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1. Танлов иштирокчиси:	Тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар, кичик корхоналар, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари, шунингдек, кичик тадбиркорликнинг бошқа субъектлари ҳамда таълим муассасалари битирувчилари.
2. Лойиҳа қиймати:	125 миллион сўмгача
3. Лойиҳани амалга ошириш муддати:	5 йилгача
4. Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:	— лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда; — банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинмаган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125% кам бўлмаган миқдорда; — ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши қишлоқ лойиҳаси бўйича қандайдир 5 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 200 миллион сўмдан кам бўлмаслик; — хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши қишлоқ лойиҳаси бўйича — қандайдир 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 150 миллион сўмдан кам бўлмаслик; — лойиҳа асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, мебеллар ишлаб чиқаришга, шарбат ва ширинликлар тайёрлашга, ёғочни қайта ишлашга, металл буюмлар, пластмассадан ясалган буюмлар тайёрлашга, миллий матоларни қўлда тўқишга, яқна тартибда кийим-пойабзал тикиш ва таъмирлашга, тиббий хизматлар кўрсатишга, автомобиллар ва машиналарнинг таъмирлаш устанчалари, стоматология хоналари ташкил этиш ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат турларини жорий этишга йўналтирилган бўлиши керак.
5. Лойиҳани баҳолаш мезонлари:	Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини жорий этиш, шунингдек, узок ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳалари устувор имкониятга эга бўлади.
6. Танлов ғолибларига имтиёзлар:	Лойиҳани молиялаштириш учун кредит физи — Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан-йиллик 6% ва қимматбаҳо совғалар.
7. Лойиҳани тақдим этиш:	"Асака" банкнинг жойлардаги барча филиалларига
8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:	2011 йил 31 июнга қадар
9. Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати:	2011 йил 15 июлгача

"Асака" банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустақкам таянчи!

"Асака" банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилояти филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилояти филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилояти филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-35-05	Фарғона вилояти филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилояти филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-224-63-05	Кўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилояти филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилояти филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-80	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилояти филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	8-366-231-19-36	Юнусобод филиали	8-371-225-16-33
Афросиёб филиали	8-366-234-18-12	Сирғали филиали	8-371-257-87-55
Сурхондарё вилояти филиали	8-376-227-35-85	Жиззақ вилояти филиали	8-372-226-34-90

Жиноятга жазо муқаррар

Оилавий наркотиқ бизнес ҳалокати

...Гулбаҳорнинг ташвиши етарли эди.

Узининг олти фарзандидан кўпроқ Дилнозага ачинарди. Унинг оиласи бузилди. Турмуш ўртоғидан ажрашиб, ёшгина Ширин билан қолди.

Гулбаҳор Илҳом ва Озод деган ўғиллари ва қизи Зарина билан яшарди. Қизи Дилноза ижарага квартира олиб чиқиб кетган бўлса-да, кўпроқ вақтини уникида ўтказарди.

Оилада катта ўғли Илҳомдан бошқа ҳеч ким ишлаган эди. У "ВАЗ-2106"да киракашлик қиларди. 2010 йил 14 июль оила ҳаётини остин-устун қилиб ташлади. Воқеалар Гулбаҳор билан Дилнозани судланувчилар курсисига етаклади...

— Эрталаб соат еттилар эди. Зарина ва Ширин билан нонушта қилаётган эдик, — судда кўрсатма берди Гулбаҳор Якубова, — Дилноза қайгадир кетди, деди Зарина.

Кўнгирак қилдим, биринчи соат Ширинга қарагин дедим. Мен шу кун Илҳомнинг никоҳ тўйига ширинликлар олиш учун Бахт шаҳрига бозорга бормоқчи эдим...

Унинг кўрсатмасига қараганда, шу кун Сирдарё шаҳридаги автостанцияга бориб, қизи Дилнозани учратиб қолган. Қизи унга бир кишидан қарз кўтариш учун Қозғистонга бормоқчилигини айтган. Буларнинг галини эшитиб турган бир тақсими, Қозғистонда буюм ва маҳсулотлар арзон, кетдик, сизларни божхона постига олиб бораман, деган.

Яна бироз вақтдан сўнгра аёллар ва икки нотаниш йўловчи постга етиб келишди. Одамлар кўп эди. Она йигирма беш ёшлар чама-

сидаги бир йигитнинг Дилнозадан кўз узмаётганлигини сезиб қолди. "Ёқиб қолибсан, шекилли". Жувон индамади. Уларни олиб келган таксичи йигитга ишора қилиб, деди: "У телеграммани берди, ўша сизларни чегарадан олиб ўтади".

лислар иштирокида очиб кўришди. Иккинчи пакетда ҳам қуқунсимон ўткир хидли модда бор эди.

Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистрларининг ҳулосасига қара, далилий ашё сифатида олинган нарса "героин"

сени турмага тиқшмайди. Жувон рози бўлади. Улуғбекнинг кимлигини билмайди.

Г.Якубованинг таъкидлашча, қизда гиёҳвандлик моддаси борлигини билмаган. Билганида бунга йўл қўймайди. Чунки ўзи 2007 йилда шу бўйича судланган эди. Бунга қизига раво кўрармиди?

Аммо "Тезда етиб келинган, 14 июлда бобонизнинг дафн маросими бўлади" деган телеграмма қандайдир пайдо бўлганлигини тушунтириб беришолмади. Кейин маълум бўлишича, Қозғистонда уларнинг қариндошлари йўқ экан. Улар юзлаштирилганда чалқаниб қолдилар. Ёлгоннинг оёғи қисқа бўлади.

Якубова Гулбаҳор 1963 йилда Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти, Ўратепа туманида туғилган. Содикова

Дилноза 1986 йилда Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳрида туғилган. Улар Жиноят кодексининг 246-моддаси, 2-қисми, 273-моддаси, 5-қисмида қўзда тутилган жиноятларни содир қилишга айбланиди.

Суд ҳайъати судланувчилар ва гувоҳ кўрсатувчилар, далилий ашёларни ҳар томонлама ўрганиб, томонларнинг музокараларини эшитиб, айблов ҳукмини чиқарди.

Она илгари қасддан содир этган жиноятга қўл урганлиги учун ҳафли рецедивист деб топилди. У ўн икки йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ тартибда колонияда ўтати белгиланди. Қизи ҳам шу муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибда колонияда ўтайдиган бўлди.

Алия НУРИЕВА

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 3 майдаги 95-ум-сонли буйруғига асосан "Бухоро" адвокатлар ҳайъати адвокати Сайидов Тошпўлот Давронвичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 21 сентябрда берилган ВН №000001 рақамли лицензиянинг амал қилиши ҳамда 2009 йил 25 июнида берилган адвокатлик макони, шунингдек, 001-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомига асосан тўғатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси вилоят ФХДЁ архиви мудири Дилором Абдулаевага онаси **Анбарой ДАДАБОВЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг Ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчиси Шавкат Норкуловга онаси **Шарофат НОРКУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январдан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан рўйхатга олиниши
1138 2510-7417
0081-рақам билан рўйхатга олиниши

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафоев Буритон Мустафоевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Сайдов Шохир Камолович
Ҳамроев Ислам Ҳамзаевич

Навабчи: ЕРБЕК ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАҲИМОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақланган. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма 1-1785. Тиражи — 20457. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00 — тижорат макрала. [L]

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50 e-mail: info@press-iq.uz Сотувда эркин нарҳда 1 2 3 4 5